



ОНА ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНING ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Махсилова Гулмира Нишоналиевна

*Тошкент вилояти Паркент тумани 17-умумий ўрта таълим мактаби Она
тили ва адабиёт фани ўқитувчисиман*

Аннотация: *Методик фан сифатида она тили ўқитиш методикаси мактабда ўқитишнинг ўқувчилар нутқининг яхши ривожланишига кафолат берадиган тилни ҳар томонлама билишнинг ижтимоий ролини тушунтирадиган йўллари билан таъминлаши керак. Демак, нутқ ўстириш мактабнинг муҳим вазифасидир.*

Калит сўзлар: *она тили, педагогик психология, адабиёт*

НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ И ПРИНЦИПЫ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ РОДНОГО ЯЗЫКА

Аннотация: *методика преподавания родного языка как методической науки должна предусматривать способы обучения в школе, объясняющие социальную роль всестороннего знания языка, которые гарантируют хорошее развитие речи учащихся. Это означает, что развитие речи является важной задачей школы.*

Ключевые слова: *родной язык, педагогическая психология, литература*

ССИЕНТИФИС БАСИС АНД ПРИНЦИПЛЕС ОФ МЕТХОДС ОФ ТЕАЧИНГ МОТЎЕР ТОНГУЕ

Абстракт: *Тхе метҳодологй оф теачинг нативе лангуаге ас а метҳодисал ссиенсе шоулд провиде вайс ин вҳич теачинг ин счоол сан эхплаин тҳе сосиал роле оф ҳар сомпреҳенсиве согнитион тҳат вилл гуарантее гоод девелопмент оф студентсз спееч. Ҳенсе, спееч султиватион ис ан импортант фунстион оф тҳе счоол.*

Кейвордс: *нативе лангуаге, педагогисал псйчологй, литературе*

Дунёни билиш назарияси она тили ўқитиш методикасининг методологик асоси ҳисобланади. Методиканинг амалий аҳамияти ўқувчиларнинг тил бойлигини ҳар

www.open-science.uz 426 и мие^ҳи

томонлама тўлиқ бўлиб олишларини таъминлашдир. Бунинг учун биз қуйидагиларни ёдда тутушимиз лозим: тил кишилар ўртасидаги алоқанинг зарурий воситасидир; тилсиз жамиятнинг яшаши мумкин эмас; тилнинг алоқа воситаси сифатидаги аҳамияти узлуксиз ортиб боради; мактабнинг вазифаси





тилни алоқа-кишилар орасидаги муносабатнинг ривожланган нозик қуролига айлантириш ҳисобланади. Тил оқилона, мантиқий билиш воситасидир; тил бирликлари ва формалари ёрдамида билиш жараёнида умумлаштириш, тушунчани муҳокама ва хулоса билан боғлаш амалга оширилади; тил ва нутқ тафаккур билан узвий боғланади; биз фикрни нутқда шакллантирамиз; тилни эгаллаш ва нутқни ўстириш билан ўқувчининг фикрлаш қобилияти ҳам ўсади.

Амалиёт киши билимининг манбаи ва ҳаракатлантирувчи кучи, ҳақиқат мезони ва билим тожидир. Аналитек-синтетик ишлар ёрдамида тил устида кузатишдан умумий хулоса чиқаришга, назарий таъриф ва қоидага, шулар асосида оғзаки ва ёзма тарздаги жонли нутқий алоқага, тўғри талаффузга ўтадилар. Улар кузатиш жараёнида билиб олган, узлаштирган қоидаларини амалиётга татбиқ этадилар.

Методика билиш назариясидан ташқари, янги фанлар, хусусан, психология, педагогика маълумотларига таянади. Педагогик психология билимларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини, кўникма ва малакаларнинг шаклланиш жараёнини текширади. Методика психоллингвистика билан ҳам боғлиқ.

Методикага психоллингвистика нутқ ҳақида, уни талаб қилувчи сабаблар, нутқ турлари, нутқни қабул қилувчи сигналлар ва бошқалар ҳақида маълумот беради.


Шунингдек, методика, дидактика, умумий педагогика билан ўзаро боғлиқ. Она тили ўқитиш методикаси она тилининг маълум қисмини амалий, маълум қисмини назарий эгаллашни назарда тутди. Шунинг учун она тили - лингвистика методикасининг муҳим асоси ҳисобланади.

Савод ўргатиш методикасини ишлашда фонетика, фонология, графика асос бўлади. Луғат ишини ташкил этишда тексикалогия, сўз таркиби, сўз ясалишини ўрганишда сўз ясалиши, этимология, грамматика асос бўлса, морфология ва синтаксис тил қурилиши ҳақида тушунча ҳосил қилишда, тўғри ёзувга ўргатишга орфография назариясига асосланади.

Ўқиш методикаси адабиёт назариясига асосланади. Чунки ўқувчилар бадиий асарни амалий тарзда таҳдил қиладилар. Бошланғич синфларда адабиётшуносликдан назарий маълумот берилмайди, аммо методика адабий асарнинг яратилиш қонуниятларини ва унинг ўқувчиларга таъсирини аниқса, адабиётшуносликка оид мавзулардан асарнинг ғоявий мазмуни, унинг мавзуси ва мазмунини, қурилиши, жанри, тасвирик воситаларини ҳисобга олиш зарур.

Ўқувчиларга она тилни ўргатиш, уларни тарбиялаш, ҳар томо нлама ўстириш вазифасидан келиб чиқиб, билиш назариясига асосланиб, барча яқин, ўзаро боғлиқ фанлар тавсияларига асосланиб она тили ўқитиш методикаси ўз тамойилларини ишлаб чиқади. Бу тамойиллар умумдидактик тамойиллардан ташқари тамойиллар бўлиб,

www.open-science.uz 427 и м[^]^би





ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги ўқув меҳнатининг йўналишларини белгилаб беради.

Она тили ўқитиш тамойиллари 5 та:

1. Тил материясига, нутқ органларининг ўсишига, нутқ малакаларининг тўғри ривожланишига эътибор бериш тамойили. Нутқ, тил қонуниятларига, оз бўлса-да, эътибор бермаслик амалий нутқ фаолиятини эгаллашга салбий таъсир кўрсатади. Масалан, фонетик кўникмаларга етарли эътибор берилмаса имловий саводхонликка путур етади. Бу таълим тамойили тилдан олиб бориладиган машғулотларда эштув ва кўрув курсатмалилигини таъминлашни ва нутқ органларини машқлантиришни (гапириб бериш, ифодали ўқишни ичида, гапиришни) талаб этади.

2. Тил маъноларини (лексик, грамматик, морфемик, синтактик маъноларини) тушуниш принципи. Сўзни, морфемани, сўз бирикмасини, гапни тушуниш борлиқдаги маълум воқеа-ходисалар ўртасидаги боғланишни аниқлаш демакдир. Тил маъноларини тушуниш тамойилига амал қилишнинг шарти тилнинг хамма томонларини, тилга оид барча фанлар (грамматика, лексика, фонетика, орфография, стилистика)ни ўзаро боғланган холда ўрганиш хисобланади. Масалан, морфологияни синтаксисга таянган холдагина ўрганиш, ўзлаштириш мумкин. Синтаксисни ўрганишда эса морфологияга суянилади, орфография фонетика, грамматика, сўз ясалишига суянади ва х.к. Сўзни морфемик томондан тахлил қилиш унинг маъносини тушунишга ёрдам беради. Тилнинг хамма томонлари бир-бири билан ўзаро боғланган бўлиб, ўқитишда буни албатта хисобга олиш керак.

3. Тилга сезгирликни ўстириш принципи. Тил - жуда мураккаб ходиса, унинг тузилишини, системасини фахмлаб олмай туриб, сал бўлса-да, унинг қонуниятларини, ўхшашликларини ўзлаштирмай туриб уни йўдда сақлаб билмайди. Бола гаплашиш, ўқиш, эшитиш билан тил материалларини йиғади, унинг қонунларини ўзлаштиради. Натижада кишида тилга сезгирлик (тил ходисаларини тушуниш) хусусияти шаклланади : тилни эгаллаш мумкин эмас.

4. Нутқнинг ифодалилигига баҳо бериш тамойили. Бу тамойил тил ходисаларини тушунмай туриб саводли ёзиш, нутқ маданнати воситаларининг хабар бериш функциясини тушуниш билан бир қаторда, унинг ифодалилик (услуга оид) функциясини тушунишни, мазмунигини эмас, балки сўз ва нутқ оборотларининг, тилнинг бошқа бадий-тасвирий воситаларининг ҳиссий оттенкаларини ҳам тушунишни кузда тутади. Бу тамойилга амал қилиш учун, биринчн навбатда, бадий адабиётлардан, шунингдек, тилнинг функционал-стилистик хусусиятлари аниқ ифодаланган бошқа матнлардан фойдаланиш талаб этилади.

5. Огзаки нуткни ёма нутқдан олдин ўзлаштириш тамойили. Бу тамойил хам киши нутқининг ривожланишига таъсир этади ва тил ўқитиш методикасини тузишда хизмат қилади.





www.open-science.uz 428

Методика тамойиллари, дидактика тамойиллари каби ўқитувчи билан ўқувчининг мақсадга мувофик; фаолиятини белгилашга, уларнинг биргаликдаги ишларида қулай йўналишини танлашга ёрдам беради, методиканинг фан сифатида назарий асослаш элементларидан бири бўлиб хизмат қилади

